



## НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Умурзаков Жамолиддин Шербекович, PhD

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчisi,

e-mail: [jamoliddin.umurzokov@gmail.com](mailto:jamoliddin.umurzokov@gmail.com)

ORCID: 0000-0002-7662-4210

### DIRECTIONS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF PRODUCTION AND INVESTMENT ACTIVITIES IN OIL AND GAS ENTERPRISES

*Umurzakov Jamoliddin, PhD*

*Independent researcher of Tashkent State University of Economics,*

*e-mail: [jamoliddin.umurzokov@gmail.com](mailto:jamoliddin.umurzokov@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-7662-4210*

*JEL Classification: G24 L64*

**Аннотация.** Инвестиция

фаолияти бозорни таҳлил қилиши, инвестиция объектларини танлаш, активларни бошқариш, хавфларни баҳолаш, инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиши ва муваффақиятли инвестициялар учун зарур бўлган бошқа барча босқичларни ўз ичига олган тизимли ҳатти-ҳаракатлар мажмуудир [1].

Шу нуқтаи-назардан келиб чиқсан ҳолда айтишимиз мумкинки нефть-газ корхонасида инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишида унинг операцион фаолиятида дуч келинадиган аҳамиятсиз ёки муҳим бўлмаган омил мавжуд эмас.

Тадқиқот обьекти ҳисобланган "Ўзбекнефтгаз" АЖ да сўнгги йиллар молиявий-иқтисодий фаолияти, базавий қазиб олиши ҳажмларининг йилдан йилга пасайиб бориши динамикаси, шу жумладан инвестиция фаолияти натижалари таҳлили шуни кўрсатдикни компанияяда нафақат инвестиция жараёнлар, балки бутун операцион фаолият салбий тенденция ҳосил қилмоқда.

Бунда, компания акциядори ҳисобланаган давлат ва давлат манбаатларини ҳимоя қилувчи Энергетика вазирлиги, Молия ва иқтисодиёт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги каби ташкилотлар томонидан ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун компания

молиявий-хужалик, шу жумладан инвестиция фаолиятларини ўз ичига оладиган яхлит фаолият методологиясини таҳлил қилиш ҳамда ушибу таҳлил натижасида умумлашган шартли стратегия (кейинги ўринларда – Инвестицион фаолият стратегияси) ишлаб чиқши вазифаси юзага келади.

**Abstract.** Investment activity is a set of systematic actions that includes market analysis, selection of investment objects, asset management, risk assessment, investment strategy development and all other steps necessary for successful investments.

Based on this point of view, we can say that there is no insignificant or unimportant factor in the effective organization of investment activities in the oil and gas enterprise, which is encountered in its operational activities.

The analysis of the financial and economic activities of JSC Uzbekneftgaz, which is the object of the study, the dynamics of the annual decrease of the base production volume from year to year, including the results of investment activity, showed that not only investment processes, but also the entire operational activity of the company is creating a negative trend.

In this case, the Ministry of Energy, the Ministry of Finance and Economy, the State Asset Management Agency, which protects the interests of the state and the state, which is the shareholder of the company, will

analyze the overall activity methodology of the company, which includes the financial and economic, including investment activities, for the medium and long-term perspective, and as a result of this analysis, the task of developing a generalized conditional strategy arises.

**Калит сўзлар:** Технологик янгилаш, нефть-газ корхоналари, инвестициялар, операцион фаолият, инвестиция фаолияти, самарадорлик, қазиб олиш ва қайта ишилаш, ишилаб чиқарии самарадорлигини ошириш.

**Key words.** *Technological upgrading, oil and gas enterprises, investments, operational activities, investment activities, efficiency, extraction and processing, production efficiency improvement.*

**Кириш.** Инвестицион фаолият стратегиясини ишилаб чиқишида операцион фаолият, шу жумладан инвестициялар билан ишилаш методологиясини такомиллаштириш вазифаси бирламчи устувор йўналиш сифатида белгилаб олиниши қоида тариқасида талаб этилади. Мазкур масаланинг ўзига хослиги шундаки, бунда инвестицияларни алоҳида олинган бир лойиха доирасида эмас, балки концептуал таҳлил ва ечим асосида умумий мақсад йўлида жалб қилиш муҳим [2]. Яъни, бизнинг мисолимизда, корхонанинг стратегик мақсади ҳисобланган углеводород ресурслари (биринчи навбатда газ) қазиб олиш ҳажмларини стабиллаш тириш мақсади асосий ургу сифатида танлаб олинади. Мазкур мақсадга этишда кейинги 10 йил давомида барча ҳаракатларни қуидаги учта йўналиш атрофида бирлаштириш кўзда тутилади, яъни:

**Биринчидан,** амалдаги конларда газ қазиб олиш ҳажмларини ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш (чукур таҳлил асосида ишилаб чиқилган геолого-техник тадбирларни амалга ошириш, жумладан бурғилаш, кудукларни капитал таъмирлаш, қудук усти компрессор станцияларини қуриш ва ҳоказо).

**Иккинчидан,** компания инвестиция блокларида излов-қидирив тадбирларини амалга ошириш (устувор ва самарали эканлиги олдиндан маълум

бўлган блокларда фаолиятни мақсадли давом эттириш;

**Учинчидан,** янги инвестиция блокларида излов-қидирив ишларини амалга ошириш (шу жумладан Устюрт нефтгаз худудида), яъни янги ва замонавий технологиялар ҳамда услубларни жалб этган ҳолда истиқболли блокларда ишларни давом эттириш, прогноз қилиш ва уларда янги конларни топиш.

**Материал ва метод.** Нефть-газ корхоналарида ишилаб чиқариш самарадорлигини ошириш, технологик янгилаш, инвестиция фаолиятини такомиллаштириш таҳлили масалалари доимий равища корхоналарнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлардан бири ҳисобланиб келган.

Нефтгаз комплексини тадқи қилиш, нефсервисни такомиллаштириш йўналишларида хорижлик олимлардан Бирмак Г, Шмидт С., В.М. Ракитский, О.В. Бурий, Н.А. Савостъянов, В.В. Лаптевалар бир қатор тизимли тадқиқотлар олиб боришиган. Шунингдек, корхоналар фаолияти самарадорлик назариясини ривожлантириш масаласида Д.Е. Беренса, В.Л. Давыдянца, Л.Ш. Лозовского, Ю.А. Маленкова, Е.М. Мерзликинойлар тадқиқотлар олиб оршаган.

**Натижалар.** Компанияда бугунги кунда амалда бўлган инвестиция фаолияти таҳлилига кўра унда мавжуд таркибий тузилмалар ва улар ўртасида ўзаро боғлиқлик занжири самарали ташкил этилмаганлигини, кўп бўлинмалар вазифа жиҳатидан ўзаро бир-бирини тақорглаши, бўлинмалар томонидан функционал вазифаларни амалга ошираётганда ортиқча моддий, вақт ва меҳнат ресурслари сарфини кўпайтириб юбораётганлиги, карорлар қабул қилишда натижадорликнинг пастлиги каби муаммоларни кузатиш мумкин бўлади.

Масалан, марказий аппаратда углеводородларни қазиб чиқариш, конларни ишлатиш, бурғилаш ишларини мувофиқлаштириш, газни қайта ишилаш ва

газкимё каби департаментлар (бўлинмалар) фаолиятида ўзаро вазифа ва мажбуриятлар қатъий ажратилмаган. Айни бир топширикни бажаришда икки бўлинма ҳам жалб этилиши ва/ёки ҳеч бир бўлинма жавобгарликни ўз бўйнига олмаслик ҳолатлари кузатилади. Бир инвестиция лойиҳаси ёки харид шартномаси юзасидан асосий буюртмачи вазифасини бажариши лозим бўлган бўлинмалардаги бундай чалкашлиқ фаолиятнинг умумий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда бошқарув ходимлари сони бўйича халқаро тажрибани ўрганадиган бўлсак, компания ходимлари сонининг самарадорлигини компания томонидан қазиб олинган нефть ҳажмининг 1 нафар ходимга тўғри келадиган улуши кўрсаткичи (BOE per employee - Definition of 'Barrels Of Oil Equivalent Per Day (BOE/D) орқали таҳлил қилиш мумкин.

1-жадвалдан кўриш мумкинки Chevron (АҚШ), ExxonMobil (АҚШ), SOCAR (Озарбайжон) каби етакчи нефть

**1-жадвал. Халқаро нефть-газ компанияларида меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларининг солишири маҳсулоти<sup>1</sup>.**

Компания номи	Давлати	Ходимлар сони	Йиллик нефть қазиб олиш ҳажми (млн баррель)	Нефть ҳажмини бирнафар ходимга тўғри келадиган улуши
<b>Chevron</b>	АҚШ	45 600	1 131,5	<b>24 814</b>
<b>ExxonMobil</b>	АҚШ	61 500	1 350,5	<b>21 959</b>
<b>SOCAR**</b>	Озарбайжон	7 600**	106,4	<b>14 002</b>
<b>Газпром</b>	Россия	498 100	2 640,3	<b>5 301</b>
<b>Казмунайгаз</b>	Қозогистон	47 000	228,1	<b>4 853</b>
<b>Узбекнефтгаз</b>	Ўзбекистон	17 580***	172,3 <sup>5*</sup>	<b>10 337</b>
		32 797****	192,6 <sup>6*</sup>	<b>5 855</b>

\*) Изоҳ:

\*\*) Фақат ишилаб чиқарии жараёнларида бевосита иштирок этадиган ходимлар ҳисобга олинди;

\*\*\*\* "Ўзбекнефтгаз" АЖ ҳамда "Ўзнефтгаз бургулаши ишлари" МЧЖ, "Ўзнефтгазқудуқтамирлаш" ва "Махсусенергогаз" АЖ сервис корхоналари ходимлари ҳисобга олинди;

қазиб оловчи компанияларда операцион фаолият тўғри ташкил этилганлиги сабабли уларда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи анча юқори. Ба бу натижада ходимлар сони билан тўғри пропорционал эмас. Аксинча, бошқарувда нисбатан эскича усуслардан фойдаланувчи "Казмунайгаз" (Қозогистон), "Газпром" (Россия) каби компанияларда меҳнат унумдорлиги (ходимлар сони юқоридаги компаниялардан ўн баравар юқори бўлишига қарамасдан) таассуфки анча паст даражада.

**Мунозара.** Таҳлиллар шуни кўрсатадики жаҳоннинг 7 та етакчи вертикал интеграллашган нефть-газ компаниялари ҳисобланган "Saudi Aramco" (Саудия Арабистони), "Shell" (АҚШ), "British Petroleum, BP" (Буюк Британия), "Total Enregies" (Франция), "ExxonMobil" (АҚШ), Chevron (АҚШ), СИБУР (Россия) компанияларида бўлинмалар учун сервис хизмат кўрсатиш функциялари алоҳида ташкил этилган бизнесга хизмат кўрсатувчи марказлар негизида бирлаштирилган.

<sup>1</sup> Барча ҳисоб-китоблар 2022-2023 йиллардаги очик маълумотларга асосан муаллиф томонидан тайёрланди. Ходимлар сонини ва маҳсулот ҳажмини ҳисоблашда ёндашув фарқ қилиши мумкин.

\*\*\*\* “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибига кирувчи барча тизим корхоналари ходимлари ҳисобга олинди;

5\* табиий газ, газ конденсати ва нефт ҳажми ҳисобга олинди;

6\* Табиий газ, суюлтирилган газ, нефт маҳсулотлари ва полигетилен ҳажмлари ҳисобга олинди.

Биргина “СИБУР” (Россия) компанияси мисолида ўрганадиган бўлсак, нефtkимё ва қайта ишлаш йўналишларидан иборат ягона корпоратив марказ ўрнига “СИБУР ЦОБ” МЧЖ (бизнесга хизмат кўрсатиш маркази), “Сибур интернейшнл” (экспорт), “УК Портэнерго” МЧЖ (логистика), “Сибур дижитал” МЧЖ (АКТ), “Центр оздоровления СИБУР-ЮГ” МЧЖ (соғломлаштириш маркази) кабилар ташкил этилди [6].

Шундан келиб чиқкан ҳолда, айнан “Ўзбекнефтгаз” АЖ мисолида операцион фаолиятнинг бир қатор муҳим йўналишларида бир хил функцияларни марказлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Жумладан, биргина марказий аппаратнинг оптималлаштирилган функцияларини қуидагиларда кўриш мумкин:

қазиб олиш ва конларни қайта ишлаш департаментлари функцияларини Конларни бошқариш марказига;

геология ва моделлаштириш йўналишларини – Ягона моделлаштириш марказига;

бурғилаш ишларини мувофиқлаштириш департаменти вазифа ва функцияларини - Бурғулашни бошқариш марказига;

молия, бухгалтерия ҳисоби ва ғазначилик бўлинмаларини (ERP платформаси негизида босқичма босқич тўлиқ рақамлаштириш;

транспорт, юридик хизматлари, HR, биноларга хизмат кўрсатиш бўлинмаларини аутсорсинг асосида қайта тақсимлаш.

Ишлаб чиқаришни мақсадли қўллаш-куvvatлаш ҳамда операцион фаолиятни оптималлаштиришга асосланган инвестицион фаолият стратегиясини ишлаб чиқишида аввало, Хукумат томонидан аҳоли ва иқтисодиёт объектларини энергия ресурслари билан самарали таъминлаш, геология, бурғилаш, қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича

мажбуриятлари учун мақсадли бирликларни аниқлаб олиш зарур деб ҳисоблаймиз [3]. Жумладан,

углеводородлар ресурс базасини ўстириш (энг биринчи навбатда табиий газ бўйича), шу билан бирга нефтгаз конларини қидириш учун бир бирлик харажатларини камайтиришга эришиш;

амалдаги конларда углеводородларни қазиб олишни кўпайтириш (энг биринчи навбатда табиий газ бўйича), шу билан бирга нефтгаз конларини ўзлаштириш ва қазиб олиш учун бир бирлик харажатларини камайтиришга эришиш.

**Хулоса.** Инвестицион фаолият стратегиясини амалга ошириш учун бир қатор ташкилий-ҳукуй босқичлардан иборат чора-тадбирларни белгилаб олиш лозим деб ҳисоблаймиз, жумладан:

компаниянинг 2024-2033 йилларга мўлжалланган янги излов-қидириув ва қазиб олиш дастурини мустақил аудитдан ўтказиш;

инвестицион фаолият стратегиясини амалга ошириш учун ташқи молиялаштиришни жалб этишни кўзда тутувчи молиявий моделни ишлаб чиқиш;

энг самарали молиялаштириш инструментларини танлаб олиш;

молиялаштиришни жалб қилиш бўйича битимларни имзолаш ва имлепентация килиш;

салоҳиятли кредитор ва инвесторлар учун “Роад шоу”лар ўтказиш, молиялаштиришни жалб этиш.

Юқорида айтиб ўтилганидек инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда бошқарув функцияларининг натижадор ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади [4].

Тадқиқот обьекти ҳисобланган “Ўзбекнефтгаз” АЖ нефть-газ корхонаси марказий аппарати фаолияти тўлиқ стратегик менежмент ва корпоратив муносабатлар масалаларига қаратилган [5]. Бундан ташқари, бўлинмалар учун тақрорланувчи корпоратив функцияларни

бажариш бўлинмалари  
марказлаштирилиши лозим (HR,  
молия ва ҳисоб, АКТ, харид,  
логистика, юридик хизмат ва ҳ.).

Шунингдек таркибий  
бўлинмаларнинг фаолияти тўлиқ ишлаб  
чиқариш мақсадларига эришиш ва уларни  
такомиллаштиришга қаратилиши мухим.



### 1-расм. “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарув структурасининг функционал жиҳатдан ташкилий қўриниши [5].

Бугунги кунда амалда қўлланилиб келинаётган бошқарув структурасининг камчиликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин (1-расм):

1. Марказий аппаратда бир вақтнинг ўзида ҳам стратегик қарорлар қабул қилиш ҳам операцион бошқарув функциялари жамланган.

2. Марказий аппаратда ва ишлаб чиқариш обьектлари ҳисобланган нефтгаз қазиб чиқариш бошқармаларида бир хил функциялар тақрорланади.

3. Таркибий бўлинмалarda ноишлаб чиқариш функцияларининг мавжудлиги концентрация ва самарадорликнинг пасайишига олиб келади.

Шу билан бирга биз томонимиздан инвестиция фаолияти ва операцион фаолият метологиясини такомиллаштириш натижасида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун таклиф этилаётган ягона Инвестицион фаолият стратегияси доирасида таркибий тузилмани такомиллаштиришнинг қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш

мумкин:

1. Марказий аппарат фаолияти тўлиқ стратегик менежмент ва корпоратив муносабатлар масалаларига қаратилиб, операцион фаолият вазифаларидан озод қилинади [8];

2. Ҳам марказий аппаратда ҳам қуи бўғин ишлаб чиқариш обьектларида бирдек тақрорланувчи функциялар (кадрлар билан ишлаш бўлинмалари, молия ва бухгалтерия, юридик хизматлар, транпорт, логистика ва ҳоказолар) профессионал хизмат кўрсатиш марказлари негизида бирлаштирилади.

3. Таркибий бўлинмалар фаолияти тўлиқ ишлаб чиқариш мақсадларига эришиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилади.

4. Инвестиция лойиҳалари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда ортиқча бўғинлар функциялари кисқартирилади ва вақтдан ютилади.

Умуман олганда, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Европа ва Америка минтақаси давлатлари тажрибасидан нефть-газ соҳасида

углеводород қазиб чиқаришга асосий урғу берилган лойиҳаларни иқтисодий баҳолашда ва “қазиб чиқаришнинг тақсимланадиган улуши” туридаги иқтисодий лойиҳаларни асослашда куйидаги молиявий воситалар кўлланилиши самарали деб ҳисоблаймиз [7]:

ялпи даромад (Gross Revenue – GR) – лойиҳа бўйича ялпи даромад қазиб чиқарилган углеводород миқдорининг унинг нархига кўпайтирилганда аниқланади;

истеъмол қилинган нефть ёки газ (Cost Oil or Cost Gas – CO) - лойиҳа томонидан амалга оширилган капитал ва операцион харажатларни қоплаш учун ишлатиладиган умумий даромаднинг бир қисми<sup>2</sup>;

фойдали нефть (Profit Oil) - қабул қилинган тақсимлаш тизимиға мувофиқ шартнома тарафлари ўртасида тақсимланадиган ялпи даромаднинг истеъмол қилинган нефть ва лойиҳа учун олинган фойданинг бир қисми;

бонус (Bonus – B) – ер участкасига эгалик қилувчи давлат фойдасига бир марталик тўлов, бу “Махсулотнинг тақсимотига оид битим” (СРП) шартномасида ёки шартнома шартларида муайян битимлар тузиш учун асос бўлади;

операцион харажатлар (Operating Costs – OC) - бу ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, иш ҳақини

тўлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, ташиш ва сотиш учун хизматлар учун жорий (капиталлаштирилмаган) харажатлар йигинди.

Одатда, нефтгаз конининг ўзлаштирилиши даврининг биринчи йили базавий йил ҳисобланади ва даромад ва харажатлар ўша йилдаги исталган нархлардан, тўғрироғи, “реал пул” асосида ҳисобланади. Аксинча, нефть-газ корхонасида лойиҳаларни иқтисодий баҳолашда “буғунги куннинг пули”дан фойдаланиш инфляциянинг лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини ҳисобга олади. Ва у келажакдаги даромад ва харажатларни мураккаб фоиз ставкаси бўйича ҳисоблашга таянади.

Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, тадқиқот обьекти “Ўзбекнефтгаз” АЖда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва технологик янгилашда инвестиция фаолияти методологиясини такомиллаштириш, бунда биринчи навбатда, лойиҳаларни оқилона баҳолашда ноанъанавий молиявий восита ва тушунчалар - лойиҳа бўйича ялпи даромад (Gross Revenue – GR), истеъмол қилинган нефть ёки газ (Cost Oil or Cost Gas – CO), фойдали нефть ёки газ (Profit Oil or Gas), бонус (Bonus – B), операцион харажатлар (Operating Costs – OC) кабиларга урғу берилиши лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Метов А.О. Повышение эффективности инвестиций как цель, процесс и результат инвестиционной деятельности предприятий нефтяного комплекса/ А.О. Метов // Горизонты экономики. – 2011. – №3. С. 70–75. (0,7 п.л.).
2. Акопов А.С. Методы повышения эффективности управления нефтегазодобывающими объединениями. Экономическая наука современной России. №3, 2004г.
3. Умурзоков Ж.Ш., Бакиева И.А. Ўзбекистонда нефть газ саноати корхоналарини трансформациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш динамикаси. “Agro biznes inform” иқтисодий-ижтимоий, илмий оммабоп журнали (1) 1 2022, ISSN 2010-9024, 44 б.
4. Umurzakov J. Analysis of the performance of financial and economic activities of national oil and gas enterprises (on the example of Uzbekneftegaz JSC). Scientific Journal of

<sup>2</sup> Бирмак Г, Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. Пер. с англ. под ред

А.П.Белых, М: Банки и биржы, ЮНИТИ, 1997, с.211.



"SOCAR Proceedings", No.4 (2023) 013-030, ISSN:2218-6867 E-ISSN: 2218-8622,  
<http://proceedings.socar.az>.

5. "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг расмий ахборот сайти [www.ung.uz\\_ахборот-статистик маълумотлари](http://www.ung.uz_ахборот-статистик маълумотлари).

6. Ефимова О.А. Реорганизация предприятий в современных условиях. Интегрированная методология ARIS. – М.: Весть-Метатехнология, 1999.

7. Максимова, В. Ф. Инвестиционный менеджмент: учеб.- практ. пособие / В. Ф. Максимова. – М: Изд. центр ЕАОИ. – М., 2015. – 214 с.

8. Ендовицкий Д. А. Анализ и оценка эффективности инвестиционной политики коммерческих организаций: Методология и методика / Д. А. Ендовицкий. – Воронеж: Изд-во Воронежского государственного университета, 2013 – 288 с.